



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 165 (12.476)

Баҳоси эркин нарҳда

22
O'ZBEKISTON

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ёлдин Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг изчил ҳаётга татбиқ этилиши натижасида маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланаётган.

Бугунги кунда тизим фаоллари томонидан маҳалла ҳудудда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлик масаласини ҳал этишга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш каби қатор вазифалар самарали амалга оширилмоқда. Маҳалла халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган демократик ислохотларни амалга оширишда мустаҳкам таянч бўлмоқда.

Шу боис фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш давлатимизнинг доимий эътиборида. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида маҳаллаларни ҳар томонлама ривожлантиришга оид зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2013 йил 24 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони давлатимизнинг мазкур соҳага бўлган эътибор ва ғамхўрлигининг ёрқин намунаси, тизимда самарали меҳнат қилаётган фидойи маҳалла фаоллари меҳнати кадр топаётганининг амалдаги ифодаси бўлди.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонида би-

ноан мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ тизим ходимларига давлатимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, халқимиз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, барча жабҳада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалда юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва роли мустаҳкамланаётгани маҳаллаларимиз тинчлиги, ободлиги, фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни асосида тизимнинг аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришга оид ваколат ва вазифалари кенгайтирилгани соҳадаги ишлар самарадорлигини янада оширади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ИЖОДГА УНДАЁТГАН УЛУҒ ҚАДРИЯТ

Шу муносабат билан бу ерга депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат ва маданият намояндлари, шоир ва ёзувчилар таклиф этилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмлари раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари раисининг биринчи ўринбосари С.Сайид, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, «Тасвирий ойна» ижодий уюмлари раиси И.Латинов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намойиш этиши учун улкан имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Истиқлол йилларида Ватанимиз эришган юксак марралар, асрларга татигулик ютуқларда ижод аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, ижодкорлар бугунги маънавий-маърифий ислохотларда ҳамюртларимиз қалбига етиб боровчи, уларнинг тафаккурини юксалтирувчи, ижтимоий фаоллигини оширувчи юксак бадий-ғоявий асарлари билан фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарориди «Энг улуг, энг азиз» аънавий республика кўрик-танловини юксак савияда ўтказиш белгиланган. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмлари, «Тасвирий ойна» ижодий уюмлари, Ёзувчилар уюмлари, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган танлов «Қадр-қимматим,

таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этди. Ижодий танловдан қўзланган асосий мақсад «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган олижаноб давлат истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш, ўтган йиллар мобайнида эришилган улкан марраларнинг мазмун-моҳиятини адабий, тасвирий санъат, фотография, кино асарлари, оммавий ахборот воситалари орқали кенгрок очиб беришдан иборатдир.

Танловнинг мамлакат босқичига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 321 нафар ижодкордан истиқлолиятнинг қадр-қиммати, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, барча жабҳаларда эришаётган улкан ютуқларимизнинг аҳамияти ёрқин ва таъсирчан бадий воситалар, ҳаётини мисоллар ёрдамида очиб берилган 3200 га яқин ижодий иш тушди. Ҳайъат қарорига асосан 26 нафар иштирокчиларнинг иши энг яхши деб топилди.

— Аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, биздек бахтиёр авлодга на-сиб этган мустақиллик, унинг бебаҳо неъматлари, улкан имкониятлари ижод аҳли учун бебаҳо илҳом манбаидир, — дейди «Маърифат» газетаси муҳбири Н.Мамбетирзаева. — Президентимиз раҳнамолигида халқимиз эришган барча ютуқлар замиридаги асосий омилларнинг мазмун-моҳиятини кенг очиб бериш, аҳамиятини барчага атроф-лича тушунириш — ижод аҳлининг асосий вазифаси. Бу каби танловлар ана шундай эзгу мақсад йўлида ижодкорлар меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Мукофотланганлар мамлакатимизда ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, самарали меҳнат қилиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида кўрсатаётган юксак эътибори учун Президентимиз Ислоҳ Каримовга миннатдорлик билдирди.

Ғолиб ва совриндорларга махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.
Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• **БУГУН ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛДИ.**

• Каттакўрғон туманида «Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти» кўрик-танловининг Самарқанд вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 106 бошланғич ташкилот вакили қатнашди.

• Бюджет ташкилотлари мутахассисларини «ЎЗАСБО» дастурий комплекси билан таништириш мақсадида ташкил этилган семинар-тренингда 2014 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ягона «ЎЗАСБО» тизимида юрита бошлаши маълум қилинди.

• Самарқанд вилоятида Ўзбекистондаги биринчи куёш электр станцияси ишга туширилади. Янги куёш электр станциясининг лойиҳавий қуввати «Ўздавэнергоназорат» маълумоти бўйича, 100 МВт бўлиб, унинг ёрдамида йилига 200 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши мумкин. Мазкур лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси айни пайтда Ўзбекистоннинг тегишли вазирликлари ва идораларининг назоратидан ўтиш босқичида.

• «Нукус дехқон бозори» очик акциядорлик жамияти аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг банк пластик карточкалари орқали сотилишини йўлга қўйиш мақсадида савдо-ярмаркаси ташкил этди. Шу кунгача ярмарка орқали нукусликлар дастурхонига 100 тоннага яқин картошка, пиёз, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари етказиб берилди.

ЖАҲОНДА

• Хитойнинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган Хэйлунцзянь музофотида рўй берган сув тошқинлари қурбонлари сони 43 кишига етди.

• Иртиш дарёсида биржа билан тўқнашувдан сўнг сувга чўкиб кетган «Полесье-8» теплоходнинг капитани Юрий Радько ушбу ҳодиса бўйича айбни ўз бўйига олди. У авария рўй берган кунда спиртли ичимликлар истеъмол қилганлигини маълум қилди. Ҳозирда ушбу теплоход сув тубидан тортиб олинган.

• АҚШнинг Айдахо штатида юзага келган ўрмон ёнғинлари катта талафотларга олиб келди. Жумладан, ёнғин натижасида 400 квадрат метр майдонга жиддий зарар етди. Қарийб 2300 та турар жойда эвакуация тадбирлари амалга оширилди. Бундан ташқари, «тилсиз ёв» яна беш мингта уй ва тўрт мингтага яқин хўжалик объектларига хавф солмоқда. Чакмўқ уриши натижасида келиб чиққан ўрмон ёнғинлари туфайли штат 8 миллиард АҚШ доллари миқдорида иқтисодий зарар кўрган.

• Марказий Америка давлатларидан бири ҳисобланмиш Гондурасда чекишга қарши қатъий қонун қабул қилинди. Унга кўра, барча таълим муассасаларида, шифохоналарда, маданият ва санъат масканларида, ресторан ва барларда, автобусларда, умуман барча турдаги транспорт воситаларида, стадионларда, ҳатто уйда ҳам чекиш тақиқланади. Бунда очик ҳавода чекишда маълум тартибга риоя этилиши керак: чекаётган одам чекмаётган кишидан камида 2 метр нарида бўлиши шарт.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** пойтахтимизда «Тошкент шаҳридаги мактабларда 2013-2014 ўқув йилига тай-

ёргарлик борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Республика ахборот-кутубхона марказида

«Ахборот коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона муассасаларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масалалари» мавзусида тадбир ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласида Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА (2011 йил)

Йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди.

7 февралда Президентимизнинг қарори билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури қабул қилинди ва йил давомида унинг изчил ижроси таъминланди. 4 апрелда Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилингани ҳам моҳиятан ана шу Давлат дастури ижросига қаратилди. 18 апрелда Президентимизнинг «Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони чиқди.

5 январда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Президент Ислам Каримов Европа Иттифоқи (ЕИ) Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозининг таклифига биноан 24 январь куни Брюсселда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришганидан кейин дастлабки муҳим вазифалар қатори Давлат рамзлари – Давлат байроғи (1991.18.11), Давлат герби (1992.02.07) ва Давлат мадҳиясини (1992.10.12) қабул қилди. Йиллар мобайнида улар тўғрисидаги қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Аммо ушбу қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат таҳлиллар жараёни шунинг кўрсатдики, давлат рамзларидан фойдаланиш масалалари ҳали тўла тартибга солинмаган, улардан тижорат мақсадларида фойдаланишни тақиқловчи ҳуқуқий меъёrlар ишлаб чиқилмаган, ушбу қонунлар талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмаган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда 2010 йилнинг 24 декабрида Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунини имзолаган эди. Мазкур қонун матбуотда эълон қилинган кундан (2010 йилнинг 25 декабридан) кучга киритилди.

Президент Ислам Каримов Япония Бош вазири Наото Канининг таклифига биноан 8 – 10 февраль кунлари ушбу мамлакатда бўлди. Февралда Италиянинг Сан Пьетро шаҳрида «Ўзбекистон кўни» ташкил этилиб, унинг доирасида мамлакатимизнинг иқтисодий-иқтисодий тараққиётига доир қатор тадбирлар ўтказилди.

25 февраль куни Оқсаройда Президент Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан Ўртбошимиз таклифига кўра унинг «Темури тузулари» асари мукаммал ҳолда, юксак сифат даражасида янгитдан чоп этилди. У Халқро Амир Темури жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан тайёрланган. Китоб Президент Ислам Каримов сўзбошиси билан босилган.

Мамлакатимизда Ўртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўрганиш, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш бўйича чуқур ва изчил ислохотлар амалга ошириляпти. 22 – 23 апрель кунлари Тошкентда бу борада Ўзбекистон таърибисини ҳамда мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги босқичига оид вазифаларни амалга ошириш юксак самарадорлигини ўрганишга бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда 46 мамлакат ҳамда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг 200 дан ортиқ вакили иштирок этди.

Термиз шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг «Барқамол авлод – 2011» спорт ўйинлари республика босқичи ўтказилди.

12 – 13 май кунлари VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик кўриш бўйича «VI Умумжаҳон сув форуми сари – сув ҳавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги савий-ҳаракатлар» мавзусида Тошкент минтақавий конференцияси бўлиб ўтди.

Истиқлол йилларида таълим тизимини тубдан янгиллаб, уни замон талаблари даражасига кўтариш мамлакатимизда маънавий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этиб келяпти. Президентимизнинг 20 майда имзоланган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам шу йўлдаги савий-ҳаракатларнинг узвий давом этаётганидан далолат беради. Шу қарор асосида 2011 – 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур маъқулланди.

Мазкур қарорга асосан, Андижон муҳандислик-иқтисодий институтини – Андижон машинасозлик институтига, Наманган муҳандислик-иқтисодий институти – Наманган муҳандислик-технология институтига, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига айлантирилди.

30 майда Президентимизнинг «2011 – 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни иқтисодий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан «2011 – 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни иқтисодий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури» тасдиқланди.

29 май – 7 июнь кунлари Сингапурда академик эшак эшиш бўйича Осиё кубоги мусобақалари ўтказилди. Унда ҳамюртларимиз 4 та олтин, 1 та кумуш ва 6 та бронза медални қўлга киритди.

13 июнь куни Россия Федерацияси Президенти амалий ташир билан мамлакатимизга келди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон – Россия муносабатлари, хусусан, икки давлат ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Икки томонлама товар айирбошлаш кўлами 2010 йили 2009 йилдагига нисбатан 1,5 баробар ўсиб, 6,4 миллиард АҚШ долларида етди. 2011 йилда ҳам шундай юксалиш юз берди.

14 – 15 июнь кунлари Қозғистон Республикасининг пойтахти Остона шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн биринчи мажлиси бўлиб ўтди ва унда Президент Ислам Каримов иштирок этди.



Июнь ойида Мексикада футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси «D» гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, нимчорак финалгачиқди. Жаҳоннинг 8 давлати жамоасидан бирига айланиш – ёш мамлакат учун ҳам шараф, ҳам фахр, албатта.

2011 йили Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари Боқуда озарбойжон тилида чоп этилди.

Бу йилги ўта мураккаб деҳқончилик шароитида мамлакатимиз ғаллакорлари катта марра кўчди.

15 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мустақиллиқнинг 20 йиллик байрами арафасида «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» деб номланган янги китоби нашр этилди. Ундан Ўртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва истиқлолнинг дастлабки даврида (1989 – 1991 йилларда) олиб борган жўшқин ва серқирра сиёсий-иқтисодий фаолиятини акс эттирадиган маъруза ва нутқлар, суҳбат, мақола ва интервьюлардан иборат жами 35 материал жой олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Ли Мён Пак 23 август куни давлат ташир билан мамлакатимизга келди.

24 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш

маънавий меросининг оламшумул аҳамияти» мавзусида халқаро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

4 октябрда Ўзбекистон Фанлар академиясида «Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби ва мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

11 октябрь куни Президент Ислам Каримов жойларда иқтисодий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятида бўлди.

Президент Ислам Каримов 3 октябрда Вьетнам Социалистик Республикаси Бош вазири Нгуен Тан Зунгни, 22 октябрда эса амалий ташир билан мамлакатимизга келган АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтонни қабул қилди.

Октябрь ойида Тошкентда шахмат бўйича ўтказилган I Марказий Осиё кубоги мусобақасида Ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғариб, голибликни қўлга киритди. Ойнинг иккинчи декадасида Ўртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтди.

Президентимиз Фармони билан 31 октябрда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони таъсис этилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг таклифига биноан Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт 6 ноябрь куни расмий ташир билан Ўзбекистонимизга келди. 7 ноябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида

Ўзбекистон ва Венгрия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

16 ноябрь куни Президентимиз Ислам Каримов Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Маърифат маркази» биноси билан танишди. Бу маҳобатли бинода симпозиумлар саройи ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жойлашган. Ушбу улкан қоша пойтахтимиз марказидаги Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат ва ҳаётнинг бизнес маркази каби бетакрор иншоотларга ҳамроҳанг тарзда яхлит композицияни ташкил этди.

26 ноябрь куни Тошкентдаги «Маърифат маркази» мажмуасидаги симпозиумлар саройида «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофиза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзусида халқаро симпозиум ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қатнашиб, табрик нутқи сўзлади. Шунингдек, анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори Маргарет Чен нутқи ҳам тингланди. Президентимизнинг Фармони билан Маргарет Чен I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланган эди (24.11). 26 ноябрь куни Президент Ислам Каримов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Ченни ҳамда А. Бакулов номидаги Юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази директори, Россия тиббий фанлари академияси академиги Лео Бокерияни қабул қилди.

Ноябрда Тошкентда «БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига оид вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки: Ўзбекистон таърибисини» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

28 ноябрда Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

7 декабрда «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг ўн тўққиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнида» йиғилиш давом эттириш йўлидир» мавзусида маъруза қилди. Маърузада, жумладан, 2012 йил «Мустаҳкам оила йили» деб белгиланди.

2011 йилда иш ҳақи, стипендия ва иқтисодий нафақалар миқдори 20,2 фоизга, пенсиялар 26,2 фоизга кўпайиши мамлакатимиз аҳолиси реал даромадларини 23,1 фоизга ошириш имконини берди. Кейинги йилларда иқтисодий-иқтисодий модернизация қилиш ишлари жадаллаштирилиб, унинг локомитиви бўлиши янги ишлаб чиқариш тармоқларига асос солингани, етакчи соҳаларда барқарор ривожланиш суръатини сақлашни қўллаётгани ана шундай ютуқларга эришиш учун мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Биобарин, «Les milieus des Empires» электрон нашри(Франция)нинг 2011 йилги сонларидан бирида Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йил ноябрь ойидаги Ўзбекистонга миссияси яқунларига бағишланган «Ўзбекистон. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги соғлом иқтисодиёт» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Уни нашр бош муҳаррири Сильви д'Изар ёзган. Муаллифнинг қайд этишича, «Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига қараганда, Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиш суръатининг ўртача кўрсаткичи – бутун Ўрта Осиё ва Қозғистондаги кўрсаткичдан юқори». Мақола сўнггида шундай сўзларни ўқиймиз: «Аҳолисининг сони жиҳатидан Ўрта Осиё минтақасидаги энг йирик мамлакат ҳисобланадиган Ўзбекистон ўзининг иқтисодий кўрсаткичлари билан ҳали кўп маротаба ҳайратлантиради». Ҳиндистонда чоп этиладиган нуфузли ҳафталик нашрлардан бўлиши «The Sunday Indian» журналининг 2011 йилги сонларидан бирида ўзбек халқининг мустақиллик йилларидаги маданий ва маънавий қадриятлари ривож мавзусига бағишланган «Миллий маданиятнинг қайта тикланиши: Ўзбек модели» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Унда, жумладан: «Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг маданий маркази бўлган ва шундай бўлиб қолаётгани бутун қомил ишонч билан баралла айта оламиз», – деб ёзилди.

23 декабрда Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар иқтисодий ҳаракатининг учинчи қурултойи бўлиб ўтди.

Олим МАҲМУДОВ
(Келгуси сонда 2012 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Умид – бахт калити.

Бошингда ота-онанг бор-
ми, бахтсизман дейишга
ҳаққинг йўқ.

Доно сўзи беҳуда кет-
майди.

Бировдан айб излашинг
ўзи айб.

Ёмон кайфият билан яхши
иш қилиб бўлмайди.

Гап ўтади, иш қолади.

Бировдан қизғанганинг
кўпинча ўзингга ҳам буюр-
майди.

Бирни биров берса, минг-
ни меҳнат беради.

Бировники буюрмас.

Ёмон билан ёқалашиб обрў
ололмайсан.

Эр ўғли – эл ўғли.

Кимнинг аслида кимлиги-
ни бир оғиз сўздан билса
бўлади.

Нимадандир воз кечмай
нимагадир эришиб бўлмай-
ди.

Кўпнинг гапи кўп.

Кўпни кўриш кифоя қил-
майди, кўпни билиш керак.

Одамнинг тафтини одам
олади.

Хўрматини билмаган хўр-
матини йўқотади.

Йўл эгри бўлса ҳам сен
тўғри юр.

Пулинг етмаган молга ха-
ридор бўлма.



Ўзгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида
23 август куни ҳаво бир
оз ўзгариб туради, ёғин-
чилик бўлмайди. Шарқдан
ғарбга томон секундида 7-
12 метр тезликда шамол
есади. Ҳарорат кечаси –
20-22, кундузи – 35-37 да-
ража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг
мониторинг хизма-
ти маълумотига
кўра, 23 августда
Тошкент шаҳри
об-ҳаво шароити
шаҳар ҳаво муҳитида за-
рарли моддаларнинг бир оз
йиғилишига имконият
яратади. Атмосферанинг
ифлосланиш даражаси 1-
3 фоз кўпайиши тахмин
қилинмоқда, тағмиқдори
паст бўлади.

“ЎЗБЕКИСТОН” ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИ

INDEPENDENCE
22
O'ZBEKISTON

**МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ**



БУГУНГИ ҲОЛАТ

АВВАЛГИ ҲОЛАТ



«Камолот»

ФАОЛ ЕТАКЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар негизда маънан ва жисмонан етуқ авлодни воғза етказиш, ёшларнинг порлоқ келажаги, ўқиш ва изланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш масалалари муҳасам.

Бугун «Камолот» ЁИХ, унинг маҳаллий бўлимлари, бошланғич ташкилотлари орқали ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдек тизимли фаолиятнинг самарали йўлга қўйилганлиги ислохотларнинг амалий ифодасидир.

Айни кунларда корхона ва ташкилотларда меҳнат қиладиган ёшлар орасида ҳам «Камолот» етакчилари сайланиб, бундан ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаоллигини янада ошириш мақсади қўзланган.

Ҳар йили корхона ва ташкилотлардаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш ва етакчилар малакасини доимий равишда ошириш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этиб келинади.

«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган бу йилги ўқув-семинарлари юқори савияда ташкил этилди. Жумладан, жорий йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ва унинг бажарилишини таъминлаш, «Камолот» ЁИХ Васийлик Кенгаши томонидан белгиланган вазибаларнинг ижроси йўлида кун кеча «Етакчи» ёшлар ўқув марказида корхона ва ташкилотлар ўртасида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг туман

босқичи ғолиблари ўртасида семинар бўлиб ўтди.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш борасида бундай ўқув-семинарлари муҳим аҳамиятга эга, — дейди Юнусобод туманидаги Марказий кўп тармоқли поликлиника бошланғич ташкилот етакчиси Камола Маткаримова. — Уч кун давомида биз етакчилар бошланғич ташкилотларда иш юритиш, ёшларни ҳаракат аъзолигига қабул қилиш ва чиқариш, ариза ва мурожаатлар билан ишлаш масалалари бўйича қўшимча билим ва кўникмаларга эга бўлдик.

Корхона ва ташкилотлар ўртасида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг якуний натижаларига кўра Юнусобод тумани марказий кўп тармоқли поликлиникаси, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилот етакчиси Камола Маткаримова биринчи ўринни, «Шаҳидлар хотираси музейи бошланғич ташкилот етакчиси Насиба Зоирова иккинчи ўринни, Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси бошланғич ташкилот етакчиси Азизжон Эшқувватов учинчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, ўқув-семинарларда эфг фаол иштирок этган 10 нафар етакчилар Республика Форумида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Камола МАҲАМЕДОВА

Ҳар йили «Камолот» ЁИХ томонидан пойтахт ёшларининг энг сеvimли ва интизорлик билан кутадиган «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси туманларда ранг-баранг тадбирлар ва акциялар орқали кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Тадбирлар

«ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА

Ана шундай тадбирлардан бири «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши томонидан 243-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Бой-чечак» оромгоҳида бўлиб ўтди.

—Тадбиримизни Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллик тўйига бағишладик, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши раиси ўринбосари Шукруллохон Анваров. — «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳасининг ўтказилишидан асосий мақсад, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ёз мавсумида мароқли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш ҳамда уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол инсон қилиб тарбиялашдан иборат.

Қизиқарли ва таассуротларга бой ўтган тадбир доирасида шахмат-шашка мусобақалари, қувноқ эстафета

ҳамда бир қатор спорт тадбирлари ўтказилди.

Соғломлаштириш оромгоҳидаги тадбирда 120 нафар болажонлар ўзларининг ҳар томонлама жисмонан бақувват эканликларини кўрсатиб, маҳоратларини синая кўришди.

— Ўтказилган «Кўчада спорт ўйинлари» мусобақасидан олган таассуротларим катта, — дейди 243-умумтаълим мактабининг 6-«а»синф ўқувчиси Бехзод Обидов. — Бу ерда шашка-шахмат мусобақасида қатнашдим, қўллаб-қувватлар ортирдим. Мусобақада мағлуб ва ғолиб бўлишнинг мен учун аҳамияти йўқ. Энг асосийси, ўз кўчимни синая кўришдим.

Мусобақа сўнгида фаол иштирок этган ўқувчи-ёшлар «Камолот» ЁИХ Олмазор туман Кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Спорт

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида БААда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Жаҳон чемпионатида Осиё чемпиони сифатида иштирок этадиган Дилшод Нуралиев шогирдлари айни кунларда Тошкентда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказишмоқда. Албатта, жаҳон чемпионатида совриндор бўлишга аҳд қилган ўсмирлар терма жамоамиз машғулотлар доирасида Эрон ўсмирлар терма жамоасига қарши назорат-ўртоқлик баҳсида куч синашди. Айтиш жоизки, дастлабки 15 дақиқа

эронликларнинг устунлиги остида кечган бўлсада, қолган дақиқаларда ҳамюртларимиз рақибларига қарши тенгма-тенг кураш олиб боришди. Майдонда тўп билан муомала қилишда, тўпни жамоадошига аниқ узатиб майдон марказини эгаллашда меҳмонлардан устунлик қилган ўсмирларимиз иккинчи бўлимда эронликлар дарвозасига иккита гол киритиб, ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоамиз Тошкентда яна эронлик тенгқурларига қарши икки марта ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. **Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

«Осиё ўйинлари – 2013»

ЁШ СПОРТЧИЛАРНИНГ КАТТА МУСОБАҚАСИ

Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида II Осиё ўйинлари бўлиб ўтмоқда.

Осиё Олимпия кенгаши мусобақалари тақвимидаги ушбу нуфузли спорт анжумани ёш спортчиларни ўсмирлар ўртасидаги Олимпия ўйинларига босқичма-босқич тайёрлаб бориш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва Олимпия ғояларини кенг тарғиб қилиш, тажриба ва маҳоратини ошириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Нанкин шаҳри мезбонлик қилаётган мусобақада Осиё қитъасининг 45 давлатидан 17 ёшга бўлган 2,6 мингдан зиёд ўсмирлар ва қизлар спортнинг ўн олти тури бўйича 122 медаллар жамланмаси учун ўзаро рақобатлашди.

II Осиё ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси таркибидан 64 нафар спортчи ўрин олган. Улар теннис, стол теннис, қиличбозлик, енгил атлетика, сузиш, дзюдо, оғир атлетика, ўқ отиш, таэквондо ва баскетбол бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда навиқрон авлодни жисмонан соғлом, маънан етуқ ва баркамол этиб тарбиялашга давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда жадал ривожланиётган болалар спортини соғлом авлод тарбиясининг бош мезони ва ўзбек спортининг жаҳондаги нуфузини юксалтиришнинг муҳим омили бўлаётди.

Ўтган даврда мамлакатимизнинг барча ҳудудида спорт билан мунтазам шугулланиш учун кенг шароит яратилгани, мураббий ва мураббиялар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилингани, спортга бўлган доимий эътибор самарасида жисмоний тарбия ва спорт фарзандларимизнинг кундалик эҳтиёжига айланди. Бугун ёшларимиз орасида бадий гимнастика, шахмат, футбол, стол теннис, мини-футбол, волейбол, баскетбол, сузиш, синхрон сузиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш, дзюдо, бокс, эркин ва юнрон-рум кураши, енгил атлетика каби ўттиздан зиёд спорт тури кенг оммалашмоқда. Айни пайтда юртимизда 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ бола спорт билан мунтазам шугулланмоқда ва бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 1,4 баробар кўлди.

«Умид нихоллари», «Баркамол авлод» ҳамда Универсиададан таркиб топан энг босқичли узлуқсиз спорт тизими ёшларимиз орасидан янги истеъодларни кашф этиш, уларни катта спортда юқори натижаларга қодир профессионал спортчилар этиб вояга етказишда муҳим омили бўлаётди. Зеро, Осиё ўйинларида майдонга чиқадиган ҳамюртларимизнинг аксарияти «Умид нихоллари» спорт ўйинларининг ҳудудий ва мамлакат босқичида қатнашиб, маҳорат ва тажриба оширган спортчилардир.

Ўсмирлар ўртасидаги Осиё ўйинлари илк бор 2009 йили Сингапурда ташкил этилган. Унда Юлдуз Қўчқорова 100 метрга чалқанча сузишда, Светлана Прошкина баландиқча сакрашда, Руслан Курбонов уч хатлаб сакрашда бронза медални қўлга киритган эди.

Орадан тўрт йил ўтиб, навбатдаги Осиё ўйинларида қатнашадиган спортчиларимиз ҳам бўлажак беллашуларга пухта тайёргарлик кўрди. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёғи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори асосида ўқув-машғулот жараёнлари энг замонавий талаблар даражасида ташкил этилди, жисмоний, ижтимоий-психологик, тиббий-биологик тайёргарликни таъминлаш, болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш бўйича кенг қўллами ишлар амалга оширилди.

II Осиё ўйинларида иштирок этаётган Ўзбекистон спорт делегацияси таркибидан жой олган спортчилар орасида халқаро тажрибага эга ўсмирлар ва қизларнинг борлиги ҳамюртларимизнинг нуфузли спорт анжуманида медалларга даъвогарлик қилиш имкониятини оширади. Хусусан, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати совриндори Машхурбек Йўлдошев, қиличбозлик бўйича Осиё чемпиони совриндорлари — Жавоҳир Нурматов, Абдулбосит Насриддинов, теннис бўйича халқаро турнирлар ғолиблари — Арина Фольц ва Журабек Каримов сингари спортчилардан умидимиз катта.

Ўсмирлар ўртасидаги II Осиё ўйинлари 24 августга қадар давом этади.

**Зоҳир ТОШЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11/26-6995/6-сонли ижро ҳужжати асосан 1977 й. и.ч. «Ваз-21061» д.р. 10 W 594 СА. Бошланғич баҳоси — 4 153 581 сўм. Зангиота туман Суд ижрочилар бўлимида сақланмоқда. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 09.10.2012 й. № 9209-сонли ижро ҳужжати асосан 1995 й. и.ч. «ГАЗ-31029» д.р. 11 Z 6117. Бошланғич баҳоси — 2 245 382 сўм. 3. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 05.11.2012 й. № 244 - сонли ижро ҳужжати асосан 1972 й. и.ч. «Ваз-2102» д.р. 10 J 607 DA. Бошланғич баҳоси — 2 245 382 сўм. 4. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 05.11.2012 й. № 11308 - сонли ижро ҳужжати асосан 1972 й. и.ч. «ГАЗ 24» д.р. 11 T 8238. Бошланғич баҳоси — 1 344 114 сўм. 5. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 03.01.2013 й. № 1-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. «Даймлербенц 0303» д.р. 20 P 4444. Бошланғич баҳоси — 47 471 745 сўм. Бекободсавдо МЧЖ омборида сақланмоқда. 6. Бўша тумани СИБ томонидан 05.04.2010 й. № 11-1033/3899 - сонли ижро ҳужжати асосан 1977 й. и.ч. «Т28хМ» д.р. 1907 EP. Бошланғич баҳоси — 2 151 036 сўм. 7. Бўша тумани СИБ томонидан 20.01.2012 й. № 2-165/03-12 - сонли ижро ҳужжати асосан «Мотор эҳтиёт қисмлари». Бошланғич баҳоси — 353 643 623 сўм. Бўша тумани, Пахта тозалаш заводида сақланмоқда. 8. Бўша тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280 - сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й. и.ч. «Нексия» д.р. 10 855 QAA. Бошланғич баҳоси — 22 240 980 сўм. 9. Оққўрғон тумани СИБ томонидан 26.10.2005 й. ижро ҳужжати асосан «Т-28, Х-4» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

— 1 471 050 сўм. 10. Оққўрғон тумани СИБ томонидан 26.03.2012 й. ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. «Ваз-21013» д.р. 11 Y 6189. Бошланғич баҳоси — 1 847 682,63 сўм. Оққўрғон тумани, ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 9 сентябрь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 11. Бўша тумани СИБ томонидан 05.04.2010 й. № 11-1033/3899-сонли ижро ҳужжати асосан 1997 й. и.ч. «Кейс-5250» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 46 598 343 сўм. 12. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7436-сонли ижро ҳужжати асосан 2006 й. и.ч. «Матиз-Бест» д.р. 10 G 839 EA. Бошланғич баҳоси — 15 353 896,80 сўм. 13. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7440-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «ИЖ 2125» д.р. 11 O 9497. Бошланғич баҳоси — 1 381 001,60 сўм. 14. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7442-сонли ижро ҳужжати асосан 2008 й. и.ч. «Ваз-2106» д.р. 10 W 913 AA. Бошланғич баҳоси — 5 150 980,60 сўм. 15. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7438-сонли ижро ҳужжати асосан 1998 й. и.ч. «ГБ-А-ГАЗ 3110-СПГ» д.р. 20 K 581 AA. Бошланғич баҳоси — 10 952 982,40 сўм. 16. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7437-сонли ижро ҳужжати асосан 2004 й. и.ч. «ГАЗ 31105» д.р. 11 H 3777. Бошланғич баҳоси — 18 019 973,60 сўм. 17. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7441-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. «ИЖ 2715» д.р. 10 K

342 BA. Бошланғич баҳоси — 1 647 457,60 сўм. 18. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7443-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «Ваз 21011» д.р. 10 M 109 AA. Бошланғич баҳоси — 4 223 809,60 сўм. Бекободсавдо МЧЖ омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 24 сентябрь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кўни (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғичида бир иш кўни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси ва мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SPARETRA» МЧЖнинг «Ипотека банк» АТББ Шайхонтоҳур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 0048 8730 5001, МФО: 00425, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси ва мулк қўйиматини 5 банк кўни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-дах, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 27.12.2011 йилдаги 10-1119/19174-сонли ижро варақасига асосан Ҳамза тумани, М.Риёйи қўчаси, 1-уйда сақланаётган қўйидагилар қўйилмоқда:

1. «Камаз-55111» русумли д/р 01/562GBA бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 92 235 600 сўм. 2. «Камаз-55111» русумли д/р

01/571GBA бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 90 027 900 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 1 октябрь кўни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 27 сентябрь кўни соат 18:00. Автотранспорт

лар билан Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИБ «Ипак йўли банк» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 /у/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақаш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.mtm.uz. Гувоҳнома №006231.

Тошкент туризм ва бизнес касб-хунаро кўллежи ҳудудида жойлашган ошхона (буфет)да иш юритиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Бизнинг манзил: 100102, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дўстлик 2-4.
Телефон: 257-77-77; 257-77-96.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бектемир туман бўлинимаси тасарруфида бўлган Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Роҳат кўчаси, 27-уйда жойлашган «Астрабод» гузари биносининг 22.06.2009 йилда расмийлаштирилган 10020201010075-сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби томонидан 2006 йил 28 июнда Жуманиёзов Жамшидбек Равшанбекович номига берилган 1983 рўйхат рақамли QK-1 №005076 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9030 нускада босилди.
Қроғ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Топириш вақти: 13.00

Босишга топирилди: 13.40